

Components of the English Language in the IB System: Cultural Adaptation and the Development of Intercultural Competence

Murtazakulov Odiljon

Denov, Uzbekistan

Abstract

The implementation of the International Baccalaureate (IB) program in Uzbek schools requires a reconsideration of English language teaching methods. In particular, it is crucial to adapt the core language components—vocabulary, grammar, listening, speaking, reading, and writing—to the cultural context of the learners. This article analyzes the ways of integrating English language components into IB programs while taking into account national characteristics and the tasks of developing intercultural competence.

Keywords: IB, English language, cultural adaptation, vocabulary, grammar, intercultural competence, academic literacy.

Аннотация

Ўзбекистон мактабларида Халқаро бакалавриат (IB) дастурини жорий этиш инглиз тилини ўқитиш усуллари қайта кўриб чиқишни талаб этади. Айниқса, асосий тил компонентларини — луғат, грамматика, эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзиш — ўқувчиларнинг маданий контекстга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада инглиз тили компонентларини миллий хусусиятлар ва маданиятлараро компетенцияни шакллантириш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда IB дастурларига интеграция қилиш йўллари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: IB, инглиз тили, маданий мослашув, луғат, грамматика, маданиятлараро компетенция, академик саводхонлик.

Кириш

Халқаро бакалавриат (IB) дастурлари шахсни танқидий фикрлай оладиган, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилувчи ва глобал жамиятда самарали мулоқот қила оладиган қилиб тарбиялашга қаратилган. Ўзбекистонда ушбу моделнинг жорий этилиши инглиз тили таълимида модернизация жараёнларини рағбатлантириб, янги таълим стандартларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бироқ IB тизимини муваффақиятли амалга ошириш маҳаллий маданий ва таълимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тил компонентларини мослаштиришни талаб этади (International Baccalaureate Organization, 2020).

1. Луғат ва грамматика: маданий жиҳатдан мослаштириш

Луғат ва грамматика тил компетенциясининг асосини ташкил этади. Анъанавий ўқув материаллари кўпинча фақат ғарб маданиятига оид мазмунни қамраб олади, бу эса ўқувчиларнинг қизиқишини пасайтиради. Шунинг учун IB доирасида ўқув материалларини маданий жиҳатдан мослаштириш муҳим — яъни, ўқувчиларнинг тажрибасига яқин мавзуларни (оилавий анъаналар, байрамлар, маҳаллий ҳаёт реалаялари) киритиш керак. Бундай ёндашув когнитив ва эмоционал фаолликни оширади (Cameron, 2001).

2. Эшитиш ва гапириш: ҳақиқий контекстлар билан боғлиқлик

IB тизимида эшитиш ва гапириш кўникмалари муҳим ўрин тутди. Language and Literature Guide (IBO, 2020) га кўра, бу кўникмалар реал мулоқот вазиятлари, дебатлар ва маданий хилма-хилликни акс эттирувчи мунозаралар орқали ривожлантирилади. Маҳаллий мавзулардан фойдаланиш ўқувчиларга шахсий ва маданий тажрибасини ифода этиш имконини беради. Kramsch (1993) таъкидлаганидек, тил ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, ва маданий маъноларни ҳисобга олмасдан самарали тил ўрганиш мумкин эмас.

3. Ўқиш ва ёзиш: академик саводхонлик ва аргументация маданияти

IB тизимида академик ўқиш ва ёзиш марказий ўринда туради. Ўқувчиларда танқидий ўқиш ва далилларга асосланган ёзиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Бироқ инглиз тилидаги академик ёзиш услуги шарқона моделлардан фарқ қилади — у аниқлик, мантиқий тузилиш ва объективлик билан ажралиб туради. Ўзбекистон мактаблари учун бу принципларни миллий тафаккур услуги билан уйғунлаштириш муҳим. Маҳаллий қаҳрамонлар ёки маданий анъаналар ҳақидаги матнларни киритиш ёзиш жараёнини ўқувчилар учун шахсий аҳамиятли қилади (Kramersch, 1993).

4. Ўқитувчиларни тайёрлаш ва маданиятлараро интеграция

IB тизимини самарали татбиқ этиш учун замонавий методикаларни (масалан, CLIL — Content and Language Integrated Learning) биладиган ўқитувчиларни тайёрлаш зарур. Ўқитувчи фақат тил ўргатувчи эмас, балки ўқувчиларга маданий фарқларни англатиш, бошқа нуқтаи назарларга ҳурмат билан қараш ва танқидий фикрлашни ривожлантиришда ёрдам берувчи шахс бўлиши керак (IBO, Language Policy, 2019).

Хулоса

IB контекстида инглиз тилининг компонентлари ягона таълимий тизимнинг ўзаро боғлиқ қисмлари сифатида қаралиши лозим. Уларни маданий жиҳатдан мослаштириш тилни чуқурроқ ўзлаштиришга, маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришга ва ўқувчиларда глобал дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

- Cameron, L. (2001). Teaching Languages to Young Learners. Cambridge University Press.
Kramersch, C. (1993). Language and Culture. Oxford University Press.
International Baccalaureate Organization (2019). Language Policy.
<https://www.ibo.org/language-policy/>
International Baccalaureate Organization (2020). Middle Years Programme: Language and Literature Guide. <https://www.ibo.org/programmes/middle-years-programme/curriculum/language-and-literature/>
International Baccalaureate Organization (2020). Language Acquisition in the MYP. <https://www.ibo.org/programmes/middle-years-programme/curriculum/language-acquisition/>